# Марғилонда ишлаб чиқарилаётган қуритилган мевалар кунчиқар мамлакатга экспорт бўлади

Бугун Япония ишбилармонлари Марғилон шаҳрига ташриб буюриб, "Generius Valley treding" МЧЖ томонидан "AGROWIDE" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган қуритилган мева маҳсулотларини қадоқлаш жараёни билан танишдилар.

Ривожланган давлатлар стандартларига тўла жавоб бера оладиган маҳсулотлар япониялик ҳаридорларга маъқул бўлди. Келажакда доимий экспортни амалга ошириш ва янги маҳсулотлар турларини етказиб бериш бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

2023-09-27 19:26:32